

## ТАЛАБАЛАР РУҲИЯТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШГА ДОИР БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

**Б.Нурматов.КДПИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада жисмоний тарбия ўқитувчиларида ўқувчилик руҳиятига ижобий таъсир кўрсатишга доир педагогик, психологик ва фалсафий билимларни ошириш, уларнинг жисмоний таълимга янгича ёндаршувини шакллантириш . Бунинг учун эса бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида руҳиятни шакллантиришга доир билимларни ривожлантиришга қаратилган маълумотлар кеклтирилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний тарбия, руҳиятига, ижобий таъсир, педагогик, психологик, фалсафий билимлар, руҳий, маънавий , эмоционал, англаш, тушуниш, ёндашув, таълим, жисмоний тайёргарлик, руҳий барқарорлик, шакллантириш, такомиллаштириш.

Бугунги кунда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, бу орқали уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларда умуммаданий билим ва кўникмаларни шакллантириш долзарблик касб этмоқда. Айниқса бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида ўқувчиларни жисмоний тарбиялашдан ташқари уларнинг руҳиятига тўғри таъсир кўрсатиш, тўғри мотивация бериш, улардаги фаолликка ундовчи ички мотивларни илгай олиш кўникмаларини шакллантириш зарурати ортиб бормоқда.

Шу боис жисмоний тарбия ўқитувчиларида ўқувчилик руҳиятига ижобий таъсир кўрсатишга доир педагогик, психологик ва фалсафий билимларни ошириш, уларнинг жисмоний таълимга янгича ёндашувини шакллантириш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Бунинг учун эса бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида руҳиятни шакллантиришга доир билимларни ривожлантириш, ўқувчиларнинг руҳий, маънавий ва эмоционал ҳолатини англашга, тушунишга доир ёндашувларни, таълимда жисмоний тайёргарлик билан бирга руҳий барқарорликни шакллантиришга қаратилган таълим методикасини такомиллаштириш долзарб вазифлардан биридир.

Бунинг учун эса, жисмоний таълимдаги умумпедагогик тамойилларни ишлаши ва уларнинг вазифасини кўриб чиқиши, унинг аҳамиятини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Жисмоний тарбия жараёнида умумий педагогик тамойиллар тадбиқ қилиниши мумкин, чунки бу жараён таълим ва тарбиянинг хусусий

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

ходисасидир. Жисмоний тарбия соҳасида хусусиятини акс эттириб, алоҳида аҳамият касб этади.

**Тизимлилик ва изчиллик тамоили.** Жисмоний машқларни ва ҳаракатларни бир хил тизимда оддийдан мураккабга қараб ривожланиб борадиган шаклда ўрганиш масалаларини ҳал этади. Жисмоний тарбия дастури талаблари доимо бажарилиб ўрганилиб борилади. Янги ўқув материаллари ўрганилган жисмоний машқлар боғланади ва мустаҳкамланади. Дастур асосида аввал оддий машқлар ўрганилса, секин аста мураккаб машқлар техника ва тактикаси шакллантирилади. Ҳар хил даражадаги машқларни ўргатишда машқлар оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб борилади. Шу билан бирга улар ҳар бир машғулот давомида ўзгартирилиб турилади.

**Билимлар ва малака ҳамда кўникмаларни мустаҳкамлаш тамоили** ўқув материалларини доимо тақрорлаш, мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириб боришини тақозо этади. Чунки, жисмоний ҳаракатлар бажариш малака ва кўникмалари машқларини тақрорлаб турилмаса машқнинг малака ва кўникмалари йўқолиб боради. Шунинг учун ўқув материалларни режалаштиришда машқларни тўғри тақсимлаш ва уларни оддийдан мураккабга қараб бажаришни акс эттириш керак. Ўрганиладиган жисмоний машқларни мунтазам дарсда мустақил бажаришлари малака ва кўникмалари мустаҳкамланиб тақомиллаштириб боришига замин бўлади.

**Онглилик ва фаоллилик тамоили:** Жисмоний тарбия жараёнида машқларни ўрганиш даражаси ўқувчилар онглига ва фаоллилигига боғлиқ. Шунинг учун машғулотлар давомида онглилик ва фаоллилик тамоилини кенг фойдаланилади. Ўқув материалларини ўқувчилар томонидан тушуниш уларни ўзлаштириш ва машқларни онгли равишда идрок этиш ва бажариш, шунингдек эришилаётган натижаларни тақомиллаштириб бориш онглилик тамоили орқали амалга ошади. Ҳар бир машғулотда ўқувчилар олдига қўйилган конкрет вазифалар уларнинг фаоллилигини таъминлайди. Улар машқларни бажаришда ташаббускорлик кўрсатиш, машқларнинг ижобий таъсирини ҳис эта олиш уларни бажаришни идрок қилишлари билан таълимнинг онглилик ва фаоллилик тамоили амалга ошади.

Ҳар қандай таълим-тарбия жараёнини муввафоғияти, тарбияланувчиларнинг ўзининг бу ишга қанчалик онгли ва фаол муносабатда бўлишларига ҳам боғлиқдир. Жисмоний тарбия жараёни вазифаларини тўғри тушуниш, уларни қизиқиш билан фаол бажариш тарбиянинг боришини тезлаштиради, ҳосил қилинган билим, малака ва кўникмаларни чукур тақомиллаштириш ва улардан ҳаётда ижодий равишда фойдаланишга имкон

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

беради. Бу қонуниятлар энг аввало онглилик ва фаоллилик тамойилининг асосини ташкил этади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланишга ундовчи мотивлар хилмажилдир. Улар педагогик нуқтаи назаридан тасодифий ёки кам аҳамиятли бўлади. Лекин тарбия жараёнида улар ўзини оқлай бошлайди. Онглилик ва фаоллилик тамойили жисмоний тарбия машғулотларининг мақсадини тушуниш ва жисмоний баркамолликнинг истиқболини англаш ва унга етишни мақсад қилиб белгилаш билан ифодаланади.

Жисмоний тарбия жараёнида бериладиган вазифалар маълум жисмоний машқлар тарзида бажарилади. “Ўқитувчи бажариш учун машқ бериш билан бирга, шуғулланувчиларга нимани бажариш ва қандай бажариш кераклигини эмас, балки шу машқни бажариш тавсия этилишини шу қоидага риоя қилиш керак эканлигини ҳам тушунтириши зарур. Мақсад ва вазифаларни қанчалик тушуниб олиш шуғулланувчиларнинг ёш имкониятларига ва тайёргарлик даражасига боғлиқлиги ўз-ўзидан равшандир. Жисмоний тарбиянинг дастлабки босқичларда оддий тушунчалар таркиб топади, кейинчалик эса шуғулланувчилар ишнинг моҳиятини тобора чуқурроқ билиб борадилар. Жисмоний машқлар ақл-идрок билан назорат қилинувчи ихтиёрий харакатлардир.

Таҳлилларга кўра, агар талаба ўзининг қизиқиши, шахсий истаги ва манфаат кўриш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда спорт билан шуғулланса ёки ўзининг жисмоний имконияти ва иродасини намоён қилишга интилса натижалар ўсувлан ва ижобий бўлади. Натижада уларда жисмоний маданият сифатлари тез ва юқори даражада намоён бўлади. «Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш куч-кувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб хизмат қиласи. Талабаларнинг жисмоний маданиятга эга бўлишлари жисмоний тарбия самарадорлигини белгиловчи муҳим омил саналади». Шунинг учун ҳам олий таълим муассасалари талабаларининг қизиқишилари ва истакларидан келиб чиққан ҳолда спортга йўналтириш, жисмоний машқларга олиб кириш ва шу орқали улардаги жисмоний сифатларини ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқувчиларида ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий имкониятларини ошириш, иродасини мустаҳкамлаш ва шиҷоатини йўналтиришга доир билим ва кўнікмаларини шакллантиришда уларнинг

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

касбий компетентлигини янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш, касбий дунёқарашини, тафаккурни ўстириш талаб этилади.

Жисимоний тарбия ўқитувчилиниң жисимоний кўникмалари ривожланган бўлиши билан бирга касбий компетентлиги ҳам шаклланган бўлиши керак. Педигогика шахснинг касбий шаклланиши, ривожланиши ва ўзини англаши учун шароит яратади ва жамиятнинг гуманистик мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Педагогикада турли хил ёндашувлар мавжуд:

- таълимнинг мақсадга мувофиқ педагогик жараёни;
- давлат ва жамият томонидан амалга ошириладиган малакали ишчи кучини кўпайтириш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсадли жараёни;
- таълим муассасалари тармоғи – мактабгача таълимдан олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимгача;
- педагогик тайёргарлик ва компетенцияларга эгалик қилиш ва ҳоказо.

Бўлажак жисимоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда улардаги жисимоний тайёрғарликни ошириш билан бирга педагогик тайёрғарлигини ҳам мустаҳкамлаш, ўқитишига доир инновацион кўникмаларни шакллантириш керак бўлади. Илмий ва илмий-услубий ишларда “педагогик тайёрғарлик” атамаси кўпинча барча таълим даражаларига, шу жумладан, олий маълумотга нисбатан “ўқитиши” атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, ҳар иккала атама кўпинча умумий тушунча сифатида ишлатилади ва маҳсус таъриф ёки тушунтиришни талаб қилмайди. Рус олимларидан Г.Онушкин ва Э.И.Огарева томонидан ўрганилган “ўқитиши” атамаси, таълимнинг амалий вазифалари билан боғлиқ ҳолда қўлланилади, қачонки у маълум бир турдаги фаолият билан боғлиқ бўлган амалий, когнитив ёки ўқув дастурининг ўзига хос вазифаларини амалга ошириш учун кейинчалик қўллаш мақсадида педагогик тажрибани ривожлантиришни англатади. Бу атама икки маънода ишлатилади:

- ўрганиш - олдинда турган вазифаларни бажаришга тайёрликни шакллантириш, фаолиятнинг икки турини акс эттиради - ўқитиши ва ўқиши, тор маънода маҳсус тайёрғарлик;
- тайёрлик - берилган вазифаларни бажариш учун компетенциялар, билим ва кўникмалар мавжудлигидир. Демак, бўлажак жисимоний тарбия ўқмитувчиларда ўқувчиларнинг жисимоний тайёрғарлигини ошириш, спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш, соғломлаштириш жараёнига йўналтириш билан бирга ўқувчиларни руҳий ҳолатини ҳам ўрганиш,

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

диагностика қилиш ва шу асосида улар билан жисмоний тарбияни олиб бориш талаб этилади.

Бошқа бир олим В. А. Полякова педагогик таълим - бу маълум бир касбда муваффақиятли ишлаш имкониятини берадиган маҳсус билим, кўникма ва малакалар, фазилатлар, иш тажрибаси тўпламидир, шунингдек талабаларга тегишли билим ва кўникмаларни бериш жараёни эканлигини таъкидласа, яна бир олим Ю.Н.Галагузова бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлигини таҳлил қилиб, уни маҳсус билим, кўникма ва малакаларнинг тегишли тўпламини ўзлаштириш орқали амалга ошириладиган педагогик фаолиятга тайёргарликни шакллантириш жараёни ва натижаси сифатида баҳолайди. Шунингдек, В. А. Никитин олий таълим ва ижтимоий масалаларни ҳисобга олган ҳолда, фанлар ва маҳсус ихтисослиқда таълим ва ўқитиши кўникмаларини ҳамда таҳлил қилиш ва тадқиқот кўникмаларини ўрганиш”, – деган таъриф остида ўқув ва ўқув жараёнини англаш деган педагогик фаолиятни назарда тутади.

Шундай қилиб, педагогик касбий компетенция – бу педагогик фаолиятга тайёргарлик натижасидир. Бу эса, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион асосда ўқитиши, тайёрлаш ва касбий кўникмаларини ривожлантиришда уларнинг педагогик тайёргарлигини ҳам юксалтириш талаб этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Madina, Ahmadjonova, Usmonova Zebo, and Xudoynazarova Gullola. "Harakatli o‘yin orqali boshlang ‘ich sinf o‘quvchilarida harakat sifatlarni takomillashtirish." Ta’limning zamonaviy transformatsiyasi 1.2 (2023): 618-622.
2. Mirxojidinovna, Xudaynazarova Gullola. "JISMONIY TARBIYA DARSLARINI PEDAGOGIK TA'LIM INNOVATSION KLASTERI ASOSIDA O'QITISH METODIKASI (Umumiy o'rta ta'lif maktablari misolida)." Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. Vol. 2. No. 11. 2023.
3. Ravshan ogli, Tolibjonov Sardorbek. "HARAKATLI O‘YIN ORQALI BOSHLANG ‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA HARAKAT SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH." Journal of new century innovations 38.2 (2023): 138-141.
4. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "HARAKATLI O‘YINLAR HAMDA ULARNI TASHKIL QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 24-27.

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

5. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "BASKETBOL O'YINI TARIXI HAMDA O'YIN TAKTIKASI." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 28-32.
6. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan ogli. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.
7. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIK TAKTIK TAYYORGARLIGINI NAZORAT QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 33-36.
8. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan ogli. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.
9. Худойназарова, Г. М. "ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ФИЗКУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ШКОЛЫ)." Экономика и социум 4-2 (107) (2023): 783-786.
10. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "WAYS TO DEVELOP DIGITAL MARKETING IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN UZBEKISTAN." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 113-116.
11. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "METHODOLOGY FOR THE USE OF INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DISCIPLINE OF PHYSICAL EDUCATION." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 189-191.
12. .Sultonov, Usmon Ibragimovich. "METHOD OF CONTROLLING THE TRAINING PROCESS OF LONG-DISTANCE RUNNERS." Eurasian Journal of Academic Research 2.3 (2022): 132-137.
13. 2.Ibragimovich, Sultonov Usmon. "DYNAMICS OF MORPHOLOGICAL INDICATORS IN THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF LONG-DISTANCE RUNNING." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.01 (2022): 129-132.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish  
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

14. 3. Ортиқов, М., et al. "БИАТЛОНЧИЛАРНИМУСОБАҚАЛАРГА  
ТАЙЁРЛАШДА  
МАШФУЛОТЮКЛАМАЛАРИ  
ВОСИТАЛАРИНИНГОПТИМАЛАЛШТИРИШ." Central Asian Research  
Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS) 1.4 (2021): 156-163.